

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ № 2

Когон шахри

2022 йил 05 январ

«Malika Textil» МЧЖ ўринларда «Ижарага берувчи» деб юритилади, бир томондан Султонов Ниёз ва АТБ Қишлоқ қурилиш банк Когон филиали, кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» деб юритилади, 31.05.2019 йилдаги №49-28/20–Ишончнома асосида иш юритувчи бошқарувчи Шеров Хусен Баходирович номидан иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети.

1.1 Шартномага мувофиқ «ижарага берувчи» қуйидаги бино иншоотни – Банк филиалининг «Фрон ва Бек офис хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган, 365 кв.м. дан иборат Когон шаҳар Дўстлик кўчаси 38-уйнинг 2-қаватини ижарага топширади, «ижарага олувчи» эса ҳақ тўлаш эвазига муддатли фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

Бино иншоот «ижарага берувчи» нинг мулкчилигида қолади.

2. Ижара ҳақи миқдори ва ҳисоб-китоб қилиш шартлари.

2.1 «Ижарага олувчи» бино иншоотдан фойдаланганлик учун «ижарага берувчига» ҳар бир ой учун ҚҚС билан бирга 21 000 000 (йигирма бир миллион) сўм ҳисобланиб, «ижарага берувчига» ҳақ тўлайди.

2.2 Мазкур ижара шартномаси амалда бўлган давр мобайнида фойдаланилган электр энергияси учун тўловлар ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

2.3 Ижарага мулк фойдаланишга олинган мулк эксплуатация харажатлари учун белгиланган суммани шартномага асосан 100% олдиндан тўловни амалга оширади.

2.4 Ижара ҳақи ушбу шартномада белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, «ижарага олувчи» тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1% миқдордаги пеня тўлайди.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1 «Ижарага берувчи» ижарачига бино ва иншоотни топшириши, ижарачи эса ушбу бино ва иншоотни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиши шарт.

3.2 «Ижарага олувчи» шартноманинг 1.1.-бандида белгиланган тартибда бино ва иншоотдан фақат унинг бевосита белгиланиши бўйича фойдаланади, ҳамда бино иншоотнинг бут ҳолда сақланганлигини таъминлайди.

3.3 «Ижарага олувчи» ижарага берувчининг ёзма розилиги бўлмасдан туриб, мол-мулкни қайта ижарага бермайди.

3.4 Бино иншоотни қайтариш пайтида тарафлар топшириш-қабул қилиш ҳақида далолатнома тузиш орқали топширадилар.

4. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.

4.1 Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг тарафлар шартномани янги муддатга тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бино иншоотни қайтариш пайтида тарафлар топшириш-қабул қилиш ҳақида далолатнома тузиш орқали топширадилар.

4. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг тарафлар шартномани янги муддатга тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш асослари.

Шартнома муддатидан олдин бир тараф томонидан, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини мунтазам бажармасдан келса, бекор қилиниши мумкин.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги.

Ўз мажбуриятларини бажармаган ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

7. Яқуний шартлар.

Ушбу шартнома белгиланган тартибда Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади ва кучга киради.

Шартномага киритилаётган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ёки банк реквизитлари ўзгарган ҳолда, бир бирларини 10 кун ичида хабардор қиладилар.

Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари.

ИЖАРАГА БЕРУВЧИ:

«Malika Textil» МЧЖ
Когон шаҳар Дустлик кучаси 38 уй
Х/р: 20208000405306476001
Агро банк Пешку филиали
МФО: 00098
ИНН 305627931
Тел: 99-247-61-79, 94-065-88-85

Рахбар: Султонов Ниёз Болтаевич



ИЖАРАЧИ:

АТБ Қишлоқ қурилиш банк Когон филиали
Когон шаҳар Дустлик кучаси 4 уй
Х/р 29805000500000087001
АТБ ККБ Когон филиали
МФО 00087 ИНН 201109078 ОКОНХ 96120
Тел: 770-04-86, 770-04-83

Бошқарувчи: Х.Б.Шеров

Юрист: А.Ибрагимов

